

# Маърифатли юрт фарзандлари

Маърифатни машъала деб билган ҳар бир мамлакатнинг келажаги порлоқ бўлади. Шу маънода юртимизда таълим тизимига, унинг жонкуярлари бўлмиш ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнатига алоҳида эътибор берилаяпти. Бинобарин, устоз тарбиялаган фарзандлар бевосита юрт келажагини белгилаб беради.

Республика касб-ҳунар коллежларининг бошланғич таълим йўналиши бўйича билим олаётган ўқувчиларининг "Маърифатли юрт фарзандларимиз" деб номланган кўрик-танлови айнан байрам арафасида ўтказилганида рамзий маъно бор.

Республика "Меҳр ва мурувват" фонди томонидан уюштирилган ушбу тадбирда Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашлари ҳамкорлик қилишди. Тадбирнинг якуний босқичи Тошкент Давлат техника университети қошидаги Компьютер технологиялари академик лицейида бўлиб ўтди. Мақсад бўлажак ўқитувчиларнинг касбга қизиқишини ошириш, сабоқларни қай даражада ўзлаштираётгани, таълим бериш маҳорати ҳамда ёш авлод қалбида Ватанга, халққа муҳаббат туйғуларини шакллантириш, шунингдек, шарафли касбга бўлган эътиборни тарғиб этиш, иқтидорлиларни аниқлаб, уларни рағбатлантиришдан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичида ғолиб бўлган 14 нафар иқтидорли ўқувчилар ўзаро беллашдилар. Дастлаб иштирокчилар касб маҳоратини намойиш этиш учун Тошкент шаҳри мактабларида очиқ дарс ўтдилар. Шундан сўнг имло, хатосиз ёзиш, яъни диктант, савол-жавоблар ва эркин мавзу бўйича шартларни бажардилар.

Танлов жараёнида қатнашчилар билан ўтказилган савол-жавоб, педагогик вазиятдан чиқиб кетиш каби шартлар қизғин кечди. Ҳар бир ўқувчининг ўз қизиқиши, дунёқараши бўлади. У ҳайрат тўла нигоҳлари ила савол берган чоғда ўқитувчи қандай йўл тутади? Баъзан ўқитувчи хаёлига келмаган, тасаввурига сиғмайдиган муаммоли вазиятларга, кутилмаган саволларга дуч келиши мумкин. Шу дамда бошланғич синф ўқитувчисининг билими, ижодкорлиги, қобилияти намоён бўлади.

Танловнинг педагогик вазият шартидаги саволларига талабалар амалиётда кўрган тажрибалари, устозларидан олган сабоқнинг маҳсули сифатида ўқитувчилик санъатини қўллаган ҳолда жавоб беришга ҳаракат қилишди.

Эркин мавзу шартидаги иштирокчиларнинг чиқишларини томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олишди. Шеъриятга, ижодга, санъатга ошно қизларнинг бири шеър ўқиб, бири дилрабо қўшиқ ижро этиб, бошқаси хиром айлаб дилларга завқ бағишлади.

(Давоми 16-бетда).

✓ Етакчи минбари

***Мазкур йилнинг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиниши нафақат тиббиёт, балки яна бир қатор соҳа вакиллари олдига ҳам улкан вазифаларни қўйди, десак асло янглишмаган бўламиз.***

***Таъкидлаш жоизки, авиаходимларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, уларга ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, вазифаларини сидқидилдан бажарган авиаходимларни моддий рағбатлантириш, дам олиш масканларига авиаходимлар учун йўлланмалар ташкиллаштириш, шунингдек, спорт ва соғломлаштириш ишларига, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки ногирон оилаларга яқиндан кўмак беришда Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши томонидан бажарилаётган тадбирлар эътиборга молик. Ана шу Марказий Кенгаш тасарруфига кирувчи "Uzbekistan airways technics" авиакорхонаси касаба уюшма қўмитаси фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида қўмита раиси Лариса СКОПИНАга мурожаат қилдик.***

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ — БОШ МЕЗОН

— Авиакорхонамиз Авиатехник мажмуаси билан бирлашганидан сўнг зиммамизга юклатилган масъулият янада ортди, — дейди суҳбатдошимиз. — Боиси, авиакорхонамизга келиб қўшилган янги жамоани ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб бериш, ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, корхона иш шароитига кўникишларига кўмак бериш, энг асосийси, авиатехник базанинг жамоа шартномасида кўрсатилган ходимлар имтиёзларини чекламаган ҳолда қўшимча имтиёзлар билан ҳам таъминлаш галдаги энг асосий вазифаларимиздан бири эди. Менимча, бунинг уддасидан чиқдик, чунки авиакорхона касаба уюшма қўмитаси бир қатор йўналишларда фаолият олиб боряпти. Маънавий-маърифий ишлар, хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий ҳуқуқини муҳофаза қилиш, ходимлар орасида спортнинг волейбол, баскетбол, футбол, теннис ва бошқа турларини ривожлантириш, Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган тадбирларни ташкиллаштириш ҳамда ёшлар билан ишлаш борасидаги йўналишлар шулар жумласидан.

Шунингдек, ҳар йили турли хил юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида соҳа мутахассислари томонидан мунтазам равишда соғломлаштириш мавзуига оид маъруза ва семинарлар ўтказиб келинади. Аёллар билан ишлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, умуман авиакорхонада фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида ҳар йили соғломлаштириш сиҳатгоҳлари ҳамда дам олиш масканларига йўлланмалар берилади.

Таъкидлаш жоизки, авиакорхона турар-жой биноси ҳамда "Светлячок" мактабгача таълим муассасаси ҳам авиакорхона қарамоғида. Шунинг учун турар-жой биносининг таъмири маъмурият билан ҳамкорликда олиб борилади. "Светлячок" болалар боғчасини ҳам йилда икки марта биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш дори-дармонлари, ўйинчоқлар ҳамда зарур идишлар билан таъминлаймиз. Мактабгача таълим муассасасини тамомлаб, 1-синфга отланадиган катта гуруҳдаги болаларга эса ўқув жараёнида керак бўладиган мактаб ўқув қуролларини совға қиламиз. Касаба уюшмаси томонидан моддий ёрдамга муҳтож 670 нафар ходимимизнинг 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган фарзандларига ҳам ўқув қуроллари, кийим-кечаклар берилади. Бундан ташқари, авиакорхона фахрийлари, уруш қатнашчиларига ҳамда афғон урушида иштирок этганларга ҳам касаба уюшмаси томонидан эътибор қаратилиб, шу йил Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан барчаларига (2 млн. 538 минг сўмлик) эсдалик совғалари топширилди.

***— Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон оилаларга авиакорхона касаба уюшмаси томонидан қандай ёрдамлар кўрсатилмоқда?***

— Ҳаёт доим бир хилда текис кечмайди. Унинг оғриқли нуқталари ҳам кўп. Авиакорхонада 21 нафар ходимимизнинг фарзанди ногирон, кўнгли ўксик болалар. Уларга ҳар йили касаба уюшма томонидан ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу йил "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилинганлиги боис, ёз мавсумида Аёллар монастири қошидаги Меҳрибонлик уйи болажонларининг ўксик кўнгилларига қувонч улашиш мақсадида "Конструктор" дам олиш масканида ҳордиқ чиқаришлари учун 12 та йўлланма (780 минг сўмлик) тақдим этдик. Шунингдек, уларга яна шаҳримизнинг Цирк аттракционларига ҳам чипталар (300 минг сўмлик) берилди. Кўзи ожиз болалар интернатига ҳам (100 минг сўмлик) совға топшириш режамизда бор.

***— Лариса Станиславовна, авиаходимлар учун яратилаётган имтиёзлар, тадбирлар ҳақида ҳам билмоқчи эдик...***

— Касаба уюшма томонидан авиаходимларга "Радуга", "Пирамида" (Чорвоқ), "Аммофос", "Сумча", "Конструктор" дам олиш масканларига 450 та йўлланма берилди. Янги йил арафасида авиаходимлар фарзандларига цирк, концерт ҳамда театр томошаларига чипталар тақдим этилди. Ушбу тадбирларга жами 6,5 миллион сўм миқдорида пул сарфланди. Шунингдек, ёшлар билан ишлаш масаласига ҳам қўмита томонидан катта эътибор қаратилиб, касаба уюшмаси ҳисобидан авиакорхонанинг "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти аъзоларига "Авиақурувчилар" саройида бўлиб ўтилган "Қувноқлар ва зукколар" танловига чипта тақдим этилди ҳамда юртимизнинг тарихий гўшаларидан бўлган Бухоро шаҳрига саёҳат уюштирилди. Унга 2,5 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Суҳбатимиз интиҳосида Ўзбекистон авиаходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши раҳбариятига ҳамда юқорида айтиб ўтилган барча ташкилий ишларда фаол иштирок этиб, менга яқиндан ёрдам кўрсатиб келаётган ходимларимиздан Виктор Капленков, Галина Чеховская, Алла Солдаткина, Виктор Болобушенко, Дилмурод Самадов, Гулнора Шокирова, Нагим Слаев, Альбина Неверова, Иброҳим Набиев, Александр Шлыков, Ольга Радзян, Игорь Ситников ва бошқаларга миннатдорчилик билдираман.

Касаба уюшмасининг кучи аваламбор унинг фаолларида. Энг кўп сонли аъзога эга бўлган жамоат ташкилотининг нуфузи ҳам ана шунда.

**Рисолат РАҲМОНОВА**
**суҳбатлашди**

✓ Хабар

# БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

## барча муаммоларни ҳал қилиш мумкин

Ҳар қандай давлатнинг тараққиёти халқ маънавияти билан узвий боғлиқ. Зеро, маънавияти юксак инсонгина жамият, давлат олдидаги масъулиятни, бурчни ҳис эта олади. Фуқароларнинг ана шундай руҳда шаклланиши, тарбия топишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бўлакча.

Бугун мамлакатимизда фаолият юритаётган газета-журналлар, теле-радиоканаллар, ахборот агентликлари ва интернет нашрларининг қанчалар кенг кўлам касб этганлигини эътироф этмай иложимиз йўқ. Лекин бу жараён бир текис ва енгил кечмайди, албатта. Мавжуд муаммо ва вазифаларни таҳлил этиш мақсадида куни кеча пойтахтимиздаги «Марказий» меҳмонхонада фуқаролик жамияти қурилиши жараёнида босма оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш ва фаоллаштириш мавзуида медиа форум бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Арипов ва Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси раиси А. Орипов табрик сўзи билан очдилар. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда ОАВ вакиллари, мутахассислар фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларни чуқурлаштиришда оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини кенгайтириш ҳамда ахборот агентликлари, матбуот ва интернет нашрларида воқеликни тез, холис ва ҳаққоний ёритиш, бозор иқтисодиёти шароитида таҳририятлар дуч келаётган турли муаммолар тўғрисида фикр алмашдилар. Босма нашрлар тажрибаси асосида ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди. Дастур иштирокчилари маблағларни бирлаштириб чет элдан арзон қоғоз олиб келиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш, нашрларнинг иқтисодини мустаҳкамлаш учун реклама ва бошқа имкониятлардан самарали фойдаланиш каби таклифларни билдирдилар.

ОАВнинг нуфузи ва таъсир кучини ошириш учун етук, малакали мутахассисларга талаб сезилмоқда. Бу борада муайян изланишлар бор. Мавжуд муаммоларга барҳам бериш мақсадида жамоат фонди «Андижоннома» ва «Андижанская правда» газеталари бирлашган таҳририятининг Андижон шаҳрида журналистлар маҳоратини ошириш ва ёш кадрларни тайёрлаш марказини ташкил этиш лойиҳасини маъқуллади. Уни молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича сертификат топширилди.

**Мактуба МЎМИНОВА**

*Мактаб — дунё иморатининг энг муқаддас ва қадрлисидир.*

**Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ**

# Умр мазмуни



(Боши 1-бетда).

Етуклик шаҳодатномасини олгач, ҳеч иккиланмасдан маҳалладаги телеательега оддий уста бўлиб ишга жойлашди. Билим ва маҳоратини ишга солди. Тиришқоқлиги боис тезда мижозлар тилига тушди. Бажарган ишининг сифатли, бенуқсонлиги боис унга кўпроқ мурожаат қилишарди. Ёш уста телерадио ускуналарини мукаммал билар ва уни рисоладагидек тузатишнинг уддасидан ҳам чиқарди.

Орадан йиллар ўтди. 1969 йил, у Сирдарё давлат педагогика институтининг физика факультетига ўқишга кирди. «Олтин давр»ини беҳуда ўтказмади. Кутубхонада ўтириб, яратилаётган янги кашфиётларни ўқиб ўрганишдан эринмади. Ўқишни битирганида домлалари унга олийгоҳда қолиб ишлашни таклиф этишди. Унга бу таклиф маъқул келди...

Саме Саматов изланувчан ўқитувчи эди. У институтда илк бора занжирли телевизион қурилмани яратди ва таълим тизимида қўллади. Бу эса ўқитишда техник воситаларни қўллаш бўйича институт салоҳиятини оширди.

Саме ака янгиликка қизиқувчан одам. Ҳатто қўлида ушлаб турган қаламга қараб ҳам ўйлаnади. Уни янада мукаммал қилиш мумкинми, дея. Илк уринишининг эътирофидан руҳланган устоз олийгоҳда телестудияга боғланмаган ҳолда фаолият кўрсатиш имконига эга бўлган ўқув телевизион қурилмасини ишга туширди. Ихчам, биргина дарс ўтаётган ўқитувчи бошқарувига асосланган мазкур янгилик ҳар жиҳатдан бошқа телеқурилмалардан фарқ қилар, афзаллиги билан турдошларини ортда қолдирарди. Шунинг учун ҳам бу қурилма мамлакат халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида намойиш этилиб, юқори баҳо олди.

Олийгоҳда ташкил этилган ихтирочилик гуруҳига Саме Саматов раҳбарлик қилар, иқтидорли талаба ёшлар билан янги ғоялар устида изланарди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида у кўпчиликнинг эътиборини тортган ёпиқ занжирли телевизион қурилма, «СДПИ-1» махсус кабинети, «Сирдарё-1» телевизион қурилмаси, «Гулистон-30» видео сигналларни тақсимловчи аппаратларни яратди. Бу янгиликлар шода-шода бўлиб таълим амалиётида ўз ўрнини топа бошлади.

1989 йилда институт қошида физика-математика йўналишидаги махсус мактаб-интернат очилди. Унга Саме Саматов раҳбар этиб тайинланди. 1991 йилда эса мактаб-интернат фанлар чуқур ўрганиладиган лицейга айлантирилди. Саме ака лицейни том маънодаги илм масканига айлантириш, ўсиб келаётган авлодни чуқур билимли, ақл-идрокли бўлиб етишиши учун бутун маҳоратини ишга солди.

Ўнлаб шогирдлари танловлар, фан беллашувлари ғолиби бўлди, мазкур академик лицей битирувчиларининг 70 — 75 фоизи давлат гранти асосида олийгоҳларга ўқишга кирмоқда.

— Саме ака ниҳоятда меҳрибон одам, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилоят кенгаши раиси Қаршибой Эшназаров. — Бошига иш тушганнинг хонадонида аввал уни кўриш бизга одат бўлиб қолган. Мен фалончиман дея қараб ўтирмайди...

Саме Саматовнинг меҳнатлари муносиб баҳоланди. У кўп йиллик хизматлари, ёш авлод таълим-тарбиясига қўшган улуши учун республикамиз Президенти Фармонига асосан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.

«Олтин юлдуз» муборак, устоз!

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ✓ Тўйхат ўрнида

***Инсон ҳаёти узун йўлга ўхшайди. Бу йўлнинг анча қисмини фаолият, хизмат даври ташкил этади. Эларо ҳурмат топиш, ҳаётда яхши ном чиқариш учун улкан кашфиёт яратиш шарт эмас. Чин маънода инсон бўлиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.***



***Орамизда шундай одамлар борки, хулқ-атворидан, Ватан, халқ олдидаги меҳнатларидан яхшилик қуёши чарақлаб туради. Устоз ҳамкасбимиз Жория Алимходжаева ҳақида ана шу таърифни бемалол айтишимиз мумкин. Одатда бирор кишига нисбат берилганда «исми жисмига мос» иборасини ишлатамиз. Жория опанинг меҳнатсеварлиги, ишчанлигини кўриб,***

# Саодатга етишган инсон

***шунча ғайрат-шижоат шу нозик, кичик жуссага қандай сиққанига ҳайратланаман. Опахон кўп йиллардан буён республика касаба уюшмалари ичида энг нуфузли тармоқлардан бири — Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгашига раҳбарлик қилмоқда. Тармоқ ишчи-ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишда Марказий Кенгаш ва унинг жойлардаги вакилликлари қандай ютуқларга эришган бўлса, уларнинг барчасида Ж. Алимходжаеванинг муносиб улуши бор. Унинг саъй-ҳаракати туфайли 25 та вазирлик, давлат қўмиталари ва республика банклари билан тармоқ келишувлари имзолашга эришилдики, бунинг орқасида юз минглаб ишловчиларнинг манфаатлари ҳуқуқий ҳимоя остига олинди.***

***Опа ўта талабчан ва ташаббускор. Ана шу хислатлар боис ҳар йили ўтказиладиган ўқув-семинарлар, спорт мусобақалари ва иш берувчилар билан бўладиган учрашувларнинг уюшқоқлик билан ташкил этилиши тармоқ касаба уюшмаси нуфузини янада оrттирди.***

***Опа хизмат сафарига чиқса, 4-5 вилоятда бўлиб, минглаб кишилар билан учрашиб қайтади. Шу боисми, барча туман тармоқ вакилларини яхши танийди ва уларнинг ютуқ-камчиликларидан доимо хабардор.***

***Мен опа билан анча йил бирга ишлаб, кўп нарса ўргандим. Бугунги кунда ҳам хоҳ ҳаётда, хоҳ иш юзасидан бўлсин биз учун устозлик мақомида.***

***Жория Латифовна бугун муборак 60 ёшини ўктамлик ва камтарлик билан қарши олаётир. Тармоқ касаба уюшма аъзолари ўртасида юксак эҳтиром топган раиса опа ҳали-ҳануз меҳнат қилишдан толмай, ташкилот обрўсига обрў қўшиш йўлида бир дам тиним билмаяпти.***

***Ўз соҳасида узоқ йиллардан буён раҳбар бўлиб ишлаш, ибрат бўларли хонадон соҳибаси бўлиш, меҳрибон она, севимли буви, дўстлар олқишини олишу яхши шогирдлар тарбиялаш... Аслида бахт деганлари шу эмасми, Жория Латифовна ана шундай бахтли инсон.***

**Бир гуруҳ ҳамкасблари номидан**
**Шуҳрат ХАЛИЛОВ**

## ✓ Истиқлол тақдиримизда

***Ҳаётда шундай одамлар борки, уларнинг юрагидаги маънавият-маърифат зиёсидан атрофга эзгуликлар таралади. Ниятлари силсиласида умид ниҳоллари барг ёзади. Ирмоқчалар бирлашиб дарёга, дарёлар уммонга қўшилиб қудратли тўлқинга айланади.***

***Ҳаёт қонуни ана шундай: яхшилик теграсида ҳамиша яхшилар кўпаяди. Яхшилик эса ақл, тафаккур ва илмдан куч олиб, дунёга эзгуликлар улашади. Бугун мамлакатимиз зиёлилари ўртасида алоҳида ҳурмат билан тилга олинаётган, иқтидорли ўқувчилари нафақат мамлакатимиз, дунё олимпиадаларида шода-шода медаллар билан мукофотланган Қоракўлдаги 1-ихтисослашган иқтидорли болалар мактаб-интернати директори Тўхтамурод Жумаев ана шундай фидойилардан.***

# Эзгуликка очилган юрак

Не-не тўсиқларни енгиб, айнан республикамизнинг энг чекка тумани Қоракўлда ўз мактабини яратган бу устози комил қанчадан-қанча ёшлар қалбига эзгулик уруғини, тафаккур зиёсини сочмади дейсиз. У неча йилларки шогирдлари юрагида илм аталмиш чироқ ёқиб, Ватан ғурури, миллат фахр-ифтихори, аждодлар тафаккури билан уларни сайқаллайди.

Бир қараганда бошқалардан фарқли томони бўлмаган бу содда, самимий, камтарин устознинг нияти улуғ, кўзлаган манзили нурли. Ана шу улуғлик, нур шогирдлари кўнглига ғурур солади. Дунёда ўзбекнинг ҳеч кимдан кам эмаслигини, аксинча тенглар ичра тенгу яна улуғ зотларга ворис эканлигини амалда исботлайди.

— Одам боласининг шу даражада улуғ ва азиз бўлиши дилидаги иймон ва ақл туфайлидир, — дейди Тўхтамурод Жумаев. — Чунки инсон Ҳақни ақл кўзи билан кўриб, дили билан иймон келтиради. Шу боис илм — ақлнинг тарбиячиси, жиловдори ҳисобланади. Ҳадиси Шарифда ҳам «Илмда осон ва яқин йўл йўқ», «Илм толиби учун ҳамма нарса — ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам гуноҳини сўраб истиғфор айтади», «Гарчи Хитойда бўлса ҳам илм талаб қилинглар» дейилган. Табиийки, 9-синфга қабул қилинган ўқувчиларимизнинг билими биз ўқитувчиларникига нисбатан анча паст бўлади. Аммо 10-синфда қарийб 80 фоиз ўқувчиларимиз билими устозлариникига тенглашади. 11-синфда эса баъзи илғор ўқувчиларимиз биздан ҳам ўзиб кетишади.

Устознинг сўзларида муболаға йўқ. Бунга мисол, АҚШда бўлган математика фан олимпиадасида иштирок этган ўқувчи Умид Раҳмонов берилган топшириқларни 3 соатда бажариб, кумуш медал соҳиби бўлди. Айнан шу масаланинг ечимини айрим профессорлар икки кундан сўнг топганлари бор ҳақиқат.

Мурод, Дониёр, Азиз, Умрзоқ, Жалол, Тохир, Зулфиддин, Ўткир, Шоҳрух, Сухроб, Отахон, Рустам, Собит, Бекзод, Шерзод, Жаҳонгир, Жамшид, Учқун, Жасур, Омон, Отабек, Тоҳир, Умид,



Элбек... буларнинг бари Умид Раҳмоновдек жаҳон фан олимпиадаси иштирокчи ва ғолиблари.

Улар сафи Мустақилликнинг 15 йиллиги арафасида яна тўрттага кўпайди. Словакияда ўтган математика фан олимпиадасида Ўткир Болтаев ва Жавлон Бозоров бронза медали, Жасур Қўчқоров ва Умид Азимов диплом билан тақдирланди.

Сўнгги етти йилда халқаро олимпиадаларда 20 нафардан ортиқ ўқувчилар ғолибликни қўлга киритиб, мамлакатимиз шуҳратига шуҳрат қўшдилар. Бу ўқувчиларга жаҳоннинг 30 дан ортиқ мамлакатларидаги олийгоҳларда имтиёз билан ўқишга кириш ҳуқуқи берилди.

Ўтган давр ичида қоракўллик ўнлаб ёшлар АҚШ, Япония, Франция, Италия, Туркия, Голландия, Россия давлатларидаги нуфузли олийгоҳларда таълим олиб, айни кунда Ватанимиз гуллаб-яшнаши учун ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ватан олқишига сазовор бундай ютуқлар замирида мактаб-интернат директори Тўхтамурод Жумаевнинг улуғ мақсадлари ва саъй-ҳаракатлари мужассам.

Устоз шогирдлари, ўзи яратган мактаби ҳақида сўзларкан кўзларида умид учқунланади. Узоқларга қадалган нигоҳида шогирдларининг истиқболини кўргандек жилмайиб қўяди. Унга бугун барчанинг ҳаваси келади.

### ИЛМ ЯХШИЛИКДАН ОЗИҚЛАНАДИ

Мирзо Улуғбек қурдирган Бухородаги мадраса дарвозасига «Илм олмоққа интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир», деган сўзлар ўйиб ёзилган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси бор. Бухоро — илм ўчоғи, тафаккур гулшани. Қадим китобларда Бухоро олимлар кўп туғиладиган замин сифатида эътироф этилган. Оллоҳ ўзининг севикли бандасигагина бемисл ақлу заковат, зеҳну идрок ва илм-маърифатга чексиз меҳр-муҳаббат ато этади. Ана шундай илмга, иқтидорлиларга меҳр Тўхтамурод Жумаев қалбида бундан 20 йиллар аввал ловуллаб ёнди, кучайса кучайдики, пасаймади. Шамол тин олса олдики, у иқтидорлилар мактабини очиш ва шогирдлари камоли учун ҳаракатдан тўхтамади, янги режалар тузди, нурли манзиллар томон йўл очди.

(Давоми 6-бетда).

# Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

**Умрни оқар дарёга қиёслашади. Дарҳақиқат, жилғадан бошланиб уммон сари отланган дарёи азим йўл-йўлакай ҳаётбахш қудрат ато этиб, эзгу ишларда намоён бўлаверади...**

**Булутларга бўйлашган ўркач-ўркач чўққиларга кўз ташлаганида Миразим ака болалиги ёдга тушаверади. Ним қоронғу, заҳкаш хонага қишлоқ болаларини тўплаб сабоқ берарди. Уруш оқибатида бу жойни таъмирлаш имконини ҳам бўлмаган. Айни илик узилди палласига келиб мактаб томи нуради. Жала ювиб кетган девордаги ёриқдан гуппа-гуппа гувалалар ерга қуларди. Яккаю ёлғиз муаллим бўлган Дархон ака Бекпўлатов шунда ҳам сабоқни тўхтатмади. У қирларнинг офтобрў ерларига қишлоқ болаларини йиғиб таҳсилни давом эттирди. Таътилгача бўлган уч ойлик ўқув шу тарзда ўтди. Шундан сўнг каттаю кичик интиқиб кутган тут пишиғи келди...**

**Ислом КАРИМОВ:**

**Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.**

**Ўқитувчи бизга эзгулик йўлини кўрсатадиган, ҳаёт фалсафасини ўргатадиган устоздир. Шу боис ҳам мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар кунига умумхалқ байрами мақоми берилган. Зеро, ёш авлодни соғлом, ҳар томонлама етук шахс сифатида вояга етказишдек шарафли ва масъулиятли вазифа ана шу забардаст инсонларнинг қўлидадир.**

**Гулнора Самикова пойтахтдаги мусиқа коллежида дарс беради. Тўрт йил аввал магистратурани тугатган муаллима мусиқашунослик борасидаги билим ва тажрибасини ошириш учун тинмай изланади. Гулнора мусиқа билим юртлари ўртасида ўтказилган «Умид» республика танловининг совриндоридир.**

*Суратда: Гулнора Самикова шогирди билан.*



## Сулола

Ўшандан буён Миразим ака тут пишиғини кутади. Қаерда ишламасин, юмушни аввал тут экишдан бошлайди. Ҳовлида-ку тутнинг алоҳида ўрни бор. Сирдарё туманидаги Жуман Маманов маҳалласи аҳли домла меҳнати мевасини ҳаммадан кўра кўпроқ тотаяпти. Ҳ.Олимжон номли 7-мактаб боғида булутларга бўйлашган тутлар бутун аҳоли дастурхонини безаяпти. Марварид шотут, ўразмон, қора марварид тутлар ҳар йили ҳосил тугади. Жаннати неъматнинг адоғига етолмай ҳамма ҳайрон. Икки-уч сидра териб олишса ҳам тугамайди.

— Бу тутнинг пайвандини она қишлоғим Сапар отадан келтирганман, — дейди Миразим ака Йўлдошев. — Катталиги ўрикдек, қора, нордонроқ мева беради. Шохида қоқига айланади. Хислати тут майизлари ерга тушиб кетмайди. То қор босгунча баҳраманд бўлиш мумкин.

Сарғайган барглар орасидан уч-тўрт тут майизини қўлга олиб татиб кўрамиз. Асалдек ширин.

— Аслида боғбон бўлишингиз керак экан-да, — дея суҳбатга тортамиз кекса муалимни.

— Ҳалиям ўзимни боғбондек ҳис этаман, — дея суҳбат жиловини ҳазилга буради устоз. — Бу тутларим, булар эса мевалари.

У мактаб ҳовлисини тўлдириб юрган болаларга маънодор ишора қилади. Дарҳақиқат, бу даргоҳда унинг 45 йиллик умри ўтган. Илк пойдеворини қўйишда ҳам ўзи бош-қош бўлганди. Ёш авлодни тарбиялаш, улар камолидан ғурурланиш устоз фалсафасига айланди. Бугун техника фанлари доктори, профессор Ҳакимжон Муродов, тиббиёт фанлари доктори Ҳусниддин Раҳмонов, фан номзоди Олимжон Аҳмедовлар унга севимли шогирд бўлишган. Айни чоғда улар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Тақдир тақозоси билан Мирзачўлдан қўним топган Йўлдошевлар чўлни ўзлаштириш фаолларидан бирига айланди. Мактабни тамомлаган Миразимни кутилмаган таклиф довдиратиб қўйди. Иқтидори, билимини ҳисобга олиб, ўзи таҳсил олган мактаб муаллимлари қаторига олишди. Устозлари сафида тарих фанидан сабоқ берди. Беш йил муддат ёшлар билимини оширишга хизмат қилди. Қачонки уруш жароҳатлари бита бошлагач, билимини оширишга изн берилди. Низомий номидаги педагогика институти сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ҳали қўлига етуклик дипломини олмасданоқ уни таълим даргоҳига раҳбарлик лавозимига тавсия этишди. Миразим Йўлдошев 75 ёшга кирса ҳамки ҳамон сафда. Бир пайтлар устозлари кўрсатган йўлдан бораяпти. Қариликка бўйин эгмаган. Жамоага ўз ҳаётий тажрибаси, босиб ўтган йўли, долғали кунлардан кўп ҳикоялар сўзлайди. Таълим тизимидаги ислоҳотлардан илҳомланади, билим ва кўникмасини оширишни канда қилмайди.

Турмуш ўртоғи Замира ая билан ўн бир нафар фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Оилада оз эмас, ўн нафар ўқитувчи фаолият юритаяпти. Бу салкам бир мактаб жамоаси. Қарангки, оилага дахлдор муаллимларнинг уч нафари мактаб директори экан. Миразим аканинг қизиқ одати бор. Фарзандлар эътирофича, у ўтмишни кўп хотирлайди, сабоқ олишга ундайди. Ўша болта билан чопиб берилган тутда олма талқонини шимиб юрган даврлари билан ҳозирги ҳаётни таққослагани-таққослаган.

Умр йўллари ҳеч маҳал текис ва равон бўлмаган. Қийинчиликларга тоб берган, чақир тиканлардан ўзига йўл топа олган инсонгина катта обрў-эътибор топади. Том маънода Миразим Йўлдошевни шундай инсонлар сирасига киритса бўлади. У ўзининг бахтини, шодумонлигини одамларга хизмат қилишда, улар корига ярашда, деб билиб келаяпти. Мактаб ҳудудини ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, боғу роғларга буркашда ҳамон бош-қош. Устоз таъбирича, бугунги шароит, имкониятлардан оқилона фойдаланмаслик гуноҳи азим. Бугун илм олиш, ақлан улғайиш учун барча шароит бор. Фақат буни тушуна билиш, шогирдлар қулоғига қуя билишда. Табаррук ёшда ёшлар орасида ўзини эркин сезаётган, ғайрати ёшларникидан ҳам ошиб тушаётган устоз-мураббийга таҳсинлар айтмасдан ҳеч илож йўқ. Илло, фидойилик илдиз отади. Мева беради. Буни дилдан ҳис қилганларга, тасанно. Улғаяётган авлод тарбиясидек масъулиятли вазифани зиммасига олган Йўлдошевлар ана шу эзгу иш бошида. Фидокорона хизмат қилаётган сулолага ҳорманг, деймиз.

**Нурилла ШАМСИЕВ, "Ишонч" мухбири**

## Ҳамма гап эътиборда

**Инсон жамиятда қайсидир соҳа ривожига ҳисса қўшар экан, эътибор қозонса, рағбат кўрса кўнгли тоғ қадар юксалади. Айниқса, устоз-мураббийлар учун бундай эътибор уларнинг машаққатли меҳнатига берилган юксак баҳодек туюлади.**

**Иш юзасидан Учтепа туманидаги 197-мактабга йўлим тушиб, ўқитувчилари билан суҳбатлашдим, мактаб касаба уюшмаси раиси ҳақида сўрадим. Ўқитувчилар ушбу тизимда 30 йилдан буён ишлаб келаётган Маъсуда опа Аҳмедова ҳақида илиқ фикрлар айтишди. 2200 ўқувчи таълим-тарбия олаётган бу масканда 183 нафар кам таъминланган оила фарзандларига ва оилавий аҳволи ночорроқ ўқитувчиларга ижтимоий кўмак беришда унинг ўта зийрак эканлигини айтиб ўтишди. Жорий йилда 5 нафар ўқитувчи "Кумушкон" дам олиш сиҳатгоҳига бориб, саломатлигини тиклаб келганини мамнуният билан қайд этиб ўтишди.**

**Саховат**

**Касбига фидойи бу аёл ҳақиқатан ҳам яхшилик, эзгулик тушунчаларини ўзига мужассам этган адолатпарвар инсон эканлиги илк учрашувдаёқ маълум бўлди. .**

**— Жамоамиздаги ҳар бир ходимни яқиндан биламан, — гап бошлади Маъсуда опа. — Уларнинг кўнглини олиш, дардига шерик бўлиш, ҳаттоки уйларига бориб, яшаш тарзи билан танишишни вазифам доирасидаги асосий йўналишлар деб ҳисоблайман. Бу борада ҳаммага тенг эътиборда бўлишнинг аҳамияти катта. Нафақат моддий ёрдам, маънан далда бўлишнинг ҳам аҳамияти беқиёс.**

**Самимий суҳбат меҳр-муҳаббатнинг нақадар бебаҳо неъмат эканини, тоғдек бойлик ҳам заррача меҳр ўрнини тўлдиролмаслигини яна бир бор эслатгандек бўлди.**

**Мактуба МЎМИНОВА**

## МАКТАБИНГИЗГА ҚАЧОН БОРДИНГИЗ?

Мактаб... Бу сўз инсон хотирасидаги энг беғубор, энг беташвиш онларни беихтиёр ёдга солади. Илк болалик орзулари шу даргоҳ бағрида туғилганлиги учун ҳам у томон талпингимиз келаверади. Ҳаётнинг равон йўллари ю ўнқир-чўнқир сўқмоқларини бир-бир босиб ўтишимизда, устозларнинг ўгитлари, таълим-тарбиялари ҳамиша асқотади. Ана шундай эзгулик учун шогирдлар ўз миннатдорчиликларини қай даражада билдираяптилар? Устозлар берган таълим-тарбияни оқлай олаяптиларми? Бу меҳрибон зотлар кўнглини олиш, икки оғиз ширин сўз билан қалбларига қувват бахш этиш мақсадида қачон мактабга бордик? Шу каби саволлар билан ёшларимизни суҳбатга чорладик.

— Мактабни битираётганимда тўккан кўз ёшларим ҳали-ҳануз ёдимда. Устозларимдан, синфдошларимдан ҳеч ҳам айрилгим келмаганди. Ҳозир ҳам уларни тез-тез қўмсайман. Шунинг учун мактабимга кўпроқ боришга, хаёлан бўлса-да болалигимга қайтишга ҳаракат қиламан. Айни вақтда магистрантман. Мактабим Қашқадарё вилояти Муборак туманида жойлашган. Охирги марта мактабимга 21 август куни бордим. Устозларимга магистратурага кирганлигим хушхабарини етказиб, яна бир бор уларнинг дуосини олдим, — дейди Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети 1-босқич магистранти Шаҳноза Раҳмонова.

— Мактабни битиргач, ҳамма ўз ташвиши билан овора бўлиб кетаркан. Кимдир ўқиш, кимдир иш ташвишида. 2005 йил 25 май куни барча синфдошлар йиғилиб, мактабимизга бордик. Беғубор дамларимизни эсладик. Хайрлашганимиздан сўнг кўнглимда қандайдир хотиржамликми, дийдор қувончими из қолдирганлигини сездим. Энг муҳими, устозларим дуосини олдим. — Фикр билдиради пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 42-умумтаълим мактабнинг 2004 йилги битирувчиси Фаррух Мирзабоев.

— Ҳаётдаги барча муваффақиятларимда аввало, устозларимнинг ҳиссаси бор. Улардан ҳамиша миннатдорман. Лекин турли юмушлар, масофанинг узоқлиги сабабли устозларимни кам йўқлайман. Бунинг учун кўнглимда афсус бор. Лекин ҳамиша устозларим, қадрдон мактабим олдидаги қарзимни ҳис қилиб тураман. Имкон қадар улар ишончини оқлашга интилмоқдаман, — дейди Тошкент фармацевтика институти талабаси Феруза Абдулазизова.

**Сўров**

Собиқ ўқувчилар фикри билан ҳам танишдик. Кимдир ўқитувчиларини тез-тез йўқлаб туришга ҳаракат қилса, кимдир олисда бўлса ҳам улар берган билимларини оқлашга, муносиб шогирд бўлишга ҳаракат қилмоқда. Нима бўлганда ҳам шуни эсдан чиқармайликки, устоз шогирдларини чархпалак мисол ҳаёт йўлларига кузатиб қолар экан, улардан фақат берган билимларига муносиб бўлишни ва шу хизматлари туфайли элдан дуо олишни хоҳлайди.

**Дилдора РАҲМОНОВА**

*Инсон фақат улуғ мақсадларини амалга ошириш билан ўзини йўлчи юлдузга айлантирадиган буюк характерини намоён қила олади.*

**Гегель**

*Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.*

**Алишер НАВОИЙ**

***Донишманд кексаларимиз хайрли ишга қўл урган кишиларни ҳар доим дуо қилишади. Умрнинг баракаси эса инсоннинг ўз халқи ва Ватанига қилган эзгу ва савоб ишлари билан ўлчанади. Бугунги кунда ўз касбини ҳалол адо этиб, ҳаёт китобини чуқур маъно-мазмун билан тўлдираётган юртдошларимизни кўп учратиш мумкин. Ҳаётини ёш авлод тарбиясига, навқирон ўғил-қизларимиз камолига бахш этган Баҳром Узоқов ана шундай инсонлардан. У Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти қошидаги «Нуристон» академик лицейи раҳбари.***

# Шундай бир китобки

## ёзилажак саҳифалари ҳали кўп

Ҳаётда ҳеч нарса тасодифан содир бўлмайди. Жумладан, Баҳром аканинг ушбу лицейга раҳбар этиб тайинланиши ҳам ўз-ўзидан бўлмаган. Ўша даврда мамлакатимизда таълим ислоҳотлари янги босқичга кирган эди. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши академик лицей ва коллежлар ишини жонлантиришни, таълим-тарбия жараёнини замон талаблари асосида ташкил этишни тақозо этар, Баҳром ака эса буни яхши тушунарди. 2000 йилда у «Устоз» жамғармаси томонидан Францияда таълим тизимини ўрганиш бўйича малака ошириб келди.

Янги раҳбар ишни аввал ўқитувчилар ва ота-оналар, академик лицей ва маҳалла ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдан, ҳамманинг эътиборини ягона мақсадга қаратишдан бошлади. Баҳром акадаги ўта талабчанлик, бир ишни охирига етказмасдан қўймаслик фаолият самарадорлигини таъминлади. Айниқса, 2000-2001 йилларда 600 ўринли академик лицей, 150 ўринли ошхона ва 300 ўринли ётоқхона биносини қуриб битказишда бош-қош бўлди. Ва бу тиниб-тинчимас, ташаббускор инсон раҳбарлигида академик лицей қисқа вақт ичида нафақат шаҳар ёки вилоят, балки республикада ном қозониб улгурди.

Бундан ташқари, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти, Қарши давлат университети ва бошқа олий ўқув юртлари ўқитувчилари келиб дарс ўта бошлашди. Бугунги кунда академик лицейда 8 нафар фан номзоди, 20 нафар олий тоифали ўқитувчи замон талаблари асосида, илғор педагогик технология усулида таълим-тарбия бермоқда. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун шароит етарли. Ўқувчиларнинг пухта билим олишлари учун ўқув хоналари, лаборатория замон талаблари даражасида жиҳозланган.

— Ўқитувчининг асосий иши ўқувчи қўлига академик лицей дипломини тутқазиб юбориш эмас, унинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, келгусида ўқишга хоҳиши бўлганларни эса етук кадрлар бўлиб етишиши учун муаллим масъул, жавобгардир, — дейди лицей раҳбари. — Мухтасар айтганда, ёшларнинг иқтидори, қобилиятини тўла юзага чиқариш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Жамоада кўп нарса раҳбарга боғлиқ. Етарли тажрибага эга етакчи қўл остидагиларни ягона мақсад сари йўналтириш, меҳнат самарадорлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш каби жиҳатларга биринчи галдаги вазифа сифатида қарайди ва шу муҳим мезонлар асосида фаолият юритади. Мана бу сингари кенг кўламли, хайрли, мақсадли фаолият дастлабки ижобий натижасини берди. Кейинги ўқув йилларида академик лицей талабаларининг олий ўқув юртларига кириши 75-80 фоизни ташкил этганлиги фикримизнинг ёрқин исботидир. Ушбу кўрсаткични аввалги йил билан таққосланганда ҳам ўртадаги фарқ, қилинган меҳнатнинг таълим-тарбия жараёнига нечоғлик ижобий таъсир кўрсатаётганлигидан далолат беради.

Баҳром ака Узоқов умр китобини ўз қўли билан ёзди, уни ҳалол меҳнати, эзгу орзу-интилишлари билан безади. Бу китобнинг ҳали ёзилажак саҳифалари кўп. Ишонамизки, қолган саҳифалари янада сермазмун, янада баракали бўлади.

**М.БОЗОРОВА,**
**«Нуристон» академик лицейи аниқ фанлар кафедраси мудири**

***Ибодат Мусаева 30 йилдирки, Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 69-умумтаълим ўрта мактабида бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди.***

***Муаллима дарс бераётган ўқувчиларнинг дадил, кўзлари чақнаб, топқирлик билан жавоб беришларидан ҳайратландим.***



# Изланувчан мураббий

Дарс давомида ўқувчиларнинг фаоллиги ошириб борилди, 31 нафар ўқувчининг ҳаммаси машғулотга тўлиқ жалб этилди. Дарс якунига 5 дақиқа қолганида мавзуни мустаҳкамлаш тариқасида ўйин ташкил этилди.

Ўйин давомида тартиб-интизом сақланди. Бу эса ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаб қолмасдан, балки уларни чаққонликка, иноқликка ундайди. Дарс якунида ғолиб гуруҳ аъзоларига, рағбат, хатоликка йўл қўйган гуруҳга жарима карточкаси тарқатилди. Кўриниб турибдики, кейинги дарсдан ҳар бир ўқувчи масъулият билан хатоликка йўл қўймасликка ҳаракат қилади.

— Синфимизнинг ўз қонун-қоидаси бор. Ҳар бир ўқувчимга вазифа юклатилган. 3-4 нафари дераза олдида яшнаб турган гулларни парваришлайди, 5-6 нафари тозаликка жавобгар. Хуллас, ҳар бири ўз вазифасини мақтаса арзигулик даражада уддалайди. Қизларим ижро этган рақсни кўрганлар завқланган-дан завқланади, — дейди муаллима.

Ибодат опа касбини улуғлаб кам бўлмади. Яқинда у «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги» эсдалик нишони билан тақдирланди.

Унинг куюнчаклигини, меҳрини фарзандлари Жасур, Носир, Умиджон, Ҳилола, турмуш ўртоғи Саттор Мусаев, мактаб жамоаси ниҳоятда қадрлайди. Қадр топган инсон ғайратли, юраги эзгу туйғуларга лиммо-лим бўларкан.

**Тамара ПАРДАЕВА**



# Болаларнинг севимли устози

У ўрта мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ адабиётга ихлос қўйди. Таниқли болалар шоири Қуддус Муҳаммадийдан бадиий адабиётнинг сир-синоатларию, шеърни ифодали ўқиш, ижод қилиш кўникмаларини ўрганди. Қолаверса, мактабдан бўш вақтларида болалар радиоэшиттиришларида мунтазам қатнашди.

Ўрта мактабнинг 8-синфини аъло баҳолар билан тугаллаган Клараxон Республика Хотин-қизлар билим юртига ҳужжат топширди. Бу билим юртида зукко устозлар қўлида таҳсил олиб, бошланғич синф ўқитувчиси деган шарафли касб эгаси бўлиб етишди. Ишчилар шаҳарчасига туташ, ҳозирги Тошкент туманидаги 24-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлаганига бу йил 45 йил бўлди. Кечагидек ёдида:

Мактабда ишлаш билан бирга билимини ошириш мақсадида ҳозирги Миллий университетнинг кечки журналистика бўлимига ўқишга кирди. 6 йил мурғак қалбларга қуёш сингари зиё тарқатди, «Алифбо»ни ўқитиб, «Она», «Ватан» каби инсон учун нақадар эъзозли сўзларни ўргатди.

Ўз ишининг фидойиси, жонкуяр муаллимани 1968 йилда мактаб маъмурияти бошланғич синфлар бўйича илмий бўлим мудири вазифасига тайинлашади.

Болажонларни жону дилидан севган, ёш мутахассис муаллима бошланғич синфларда ўқитиш методикаси, иш услубиятини устозлар билан қайта кўриб чиқди. Болаларга содда, ёшига мос билим бериш йўлларини излаб топишди. Бу билан ёш авлодга билим кўникмаларини ўргатишда мустаҳкам пойдевор яратилди.

Клара Шокирова юқори синф ўқувчиларига ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берар экан, олий ўқув юртида олган бор билим ва тажрибаларини ишга солди. Аввалambор, у ўз устида кўп ишлади. Ҳар бир дарсини ўтиб, синфдан чиққач, ўзича мушоҳада юритар, дарсни қандай ўтдиму, қаерда камчиликка йўл қўйдим, деб ўйларди. Ўқувчилар ўтилган дарсни яхши ўзлаштира олмаса, албатта, қўшимча дарс ўтиб, ҳар бир ўқувчига мавзуни содда тил билан тушунтирар, уларда ўз фанига катта қизиқиш уйғотарди.

Клара Шокировага 1984 йилда катта ишонч билдирилди. У директор қилиб тайинланди. Мактаб ҳудуди Тошкент шаҳар, Юнусобод туманига қўшилгач, 272-мактабда 22 йил раҳбарлик қилди. Аслида бу ўрта мактаб 420 ўринга мўлжалланган бўлса-да, айни кунда 850 ўқувчи икки сменада таҳсил олмоқда. Эски мактаб бўлишига қарамай бино ва синф хоналари ҳомийлар томонидан ҳар йили таъмирланиб, ўқувчилар учун қулай шароитлар яратиб берилади. Барча синф хоналари керакли жиҳозлар, техника ва компьютерлар билан таъминланган. Мактаб ҳовлиси озода ва тартибли. Ўқувчилар ўзларига ажратилган гулзорни янада ободонлаштириш ишлари билан машғул. Мактаб форс ва инглиз тилига ихтисослашган. Ўқувчилар 1-синфдан инглиз ва форс тилини ўрганадилар.

— Бу йил мактабда учта биринчи синфга ўқувчилар қабул қилинди. Олти ёшли болалар алоҳида, 7 ёшлилар ва яна 6-7 ёшли болаларни аралаш ўқитишни тажриба-тадқиқот сифатида синовдан ўтказаяпмиз. Бу ишга юқори малакали ўқитувчилар жалб этилган. Бунинг натижаси эса йил охирида маълум бўлади. Қайси бири самара берса, биринчи синф ўқувчиларини шу йўналишда ўқитишни йўлга қўямиз. Бу билан болаларнинг янада яхши билим олишларига пойдевор яратган бўламиз, — дейди мактаб раҳбари, олий тоифали ўқитувчи Клара Шокирова.

Мактабда маънавий-маърифий тадбирларга ҳам алоҳида эътибор берилади. Айниқса, «Мактаб-маҳалла-оила», «Ота-оналар университети» каби тадбирлар барчага бирдек маъқул тушмоқда. Ўқувчилар туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида қатнашиб, кимё ва иқтисодиёт фанлари бўйича совринли ўринлар соҳибига айланишганда ўқитувчиларнинг қувонганини бир кўрсангиз эди. Ютуқлар бу билан тугаб қолгани йўқ. Спортнинг кураш, каратэ, кикбокс тури бўйича мактаб ўқувчилари республика мусобақаларида ғолиб бўлишди.

Директорнинг гапига қараганда, битирувчиларнинг кўпчилиги олий ўқув юртларига ўқишга кирмоқда.

Халқ маорифи аълочиси, олий тоифали мураббий, «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги» нишони соҳибаси Клара Шокирова нафақат ўз мактабида, қолаверса, туман ва шаҳар маорифчилари орасида ҳам катта обрў-эътиборга эга.

Ўз касбининг устаси 45 йил давомида қанчадан-қанча ўқувчиларга билим бермади, қанчадан-қанча шогирд тайёрламади дейсиз. Дарвоқе, Клара Шокирова оиласини педагоглар оиласи дейишади. Турмуш ўртоғи Олим Шокиров Шарқшунослик институтининг доценти, уч қизи — Феруза, Камола, Наргиза ҳам шарқшунос, ўрта мактабда форс тилидан дарс беришади.

Клара Шокированинг мақсади — ўқувчиларга пухта ва чуқур билим бериш, уларнинг фикрлаш қобилиятию дунёқарашини ўстириш, бир сўз билан айтганда, давлат таълим стандартлари талабига жавоб берадиган ёш авлодни тарбиялашдир.

**Раҳимжон ОРИПОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Довуд МАҲДИЙ

Қисса

# Жиноят фош этилади



**(Давоми. Боши ўтган сонларда).**

Яна дарё бўйига боришади. Жойларни диққат билан кўздан кечиришади. Тахминлар, тахминлар, тахминлар...

Мотордан сал нарида сувга тушадиган сўқмоқча бор. Сувдаги уч-тўртта юлғун кесилган. Яна тепага чиқишди. Пастни кузатишди. Қирғоқ бўйида бир ола мушук пайдо бўлиб, миёвлай бошлади.

— Шу ерда бир гап бор. Қани тушайлик-чи, - деди Райимберди.

Тушишди. Мушук тинчиди. Думини гажак қилиб прокурорнинг оёғига келиб суйкалди.

Орқага қайтишди. Яна мушук еру осмонни битта қилиб, миёвлай бошлади.

— Нимага мунча миёвлайди, Райимберди ака?

— Сиз билан гаплашмоқчидирда, - деб кулди у.

— Тилини тушунсам экан, чўпонни ким ўлдирган деб сўрасам. Шу бир нарсани билади-ёв.

У ёқ-бу ёқни яна кузатишди. Изларига қайтишди. Мушук миёвлаганича қолди.

Меҳмонни кузатиб, идорага бурнидан тортса йиқилгудек ҳориб кириб келди. Фаррош хола полни тозалаб бўлиб, стол-стуллардаги чангни артаётганди.

— Шу чўпон ҳам ўлмай кетсин, болам, роса қийналдингизда.

— Э-э, нимасини айтасиз! Бошим қотиб қолди.

— Ҳадича фолчига бир бориш керак. Ҳамма нарсани аниқ айтиб беради, тушмагур.

— Оббо, хола-эй, тоза нозик жойидан ушладингиз-у. Шу денг Россияда армияда пайтим бир фолчига борганмиз. Ўрмон. Ертўла ичига анча кириб бордик. Сочлари тўзғиган бир алвасти кампир ўтирибди, ёнида катта бароқ мушуги бор, думи узун, кўзлари ёнади. Ўша кампир менинг тақдиримни башорат қилган эди. Кўп айтганлари тўғри келди.

— Фолга ишонма, фолсиз юрма, деган гап бор, болам.

"Э, буям бир гап-да. Фол очдирса, очдирибди-да!"

Боришди. У ҳамма нарсани биладигандек, айтиб берди. Ёлғиз аёлни олиб юриш ноқулай. Прокурор турмуш ўртоғи билан фолчи аёлни дарё бўйига олиб келди. Аёл фолини такрорлайди. "Моторнинг олдида эмас, кўзимга эзилган тошлар, симлар кўриняпти, бир кишими, билмайман, икки кишими, билмайман, чолни судраган. Тирикми-ўликми билмайман. Қоронғулик ичида ётибди".

* * *

Қулоғи телефондан бўшамайди. Бирини қўйиб, бирини олади.

— Республикадан... комиссия келган, бир келиб кетинг.

— Келаверинглар, ҳамма ҳужжатлар тайёр, битта-яримта камчилиги бўлса айтасизлар, тузатамиз.

— Бориш қочмайди, ўзиз келинг!

— Оббо...

Сейфга калитни тиқиб икки марта буради, "Титаник" кемасининг рулидай дастасини бураб "шарақ"латиб очди, керакли ҳужжатларни олди.Яна шу тарзда ёпди.

— Носир, мени сўрашса ҳокимиятга кетган дегин.

Катта йўлга бурилганда, шофёрга буюрди:

— Тўхтат!

Бир "КамАЗ" автомашинаси саксовулзорга ахлат ағдарарди.

— Нима қиляпсиз?

— Заводдан чиққан...

— Ахлатхона беш-олти километр нарида-ку!

— Ҳамма шу ерга тўкаяпти.

Прокурор кўл телефони орқали қўнғироқ қилди: "Комилжон, ҳарбий қисмнинг ёнидаги саксовулзорни ахлатхонага айлантириб юборишибди. Шамол кўтарилса, ҳаммасини шаҳарга уради. Санстанция бошлиғини чақир, кимлар тўкаётганини аниқланглар, ҳужжатлаштиринглар. Барча алоқадор ташкилотларнинг раҳбарларини соат ўн олтида прокуратурага таклиф қил, мен келаман".

Машинага миниб жўнади.

Вилоят прокуратураси биносига кириши билан биринчи раҳбарга дуч келди.

— Ҳа, нима гап?

— Э, ўзим.(Чақиришган экан демади.)

— Бир қаранг.

Изидан борди. Раҳбар хонасига кириб кетди.

Шерзод қабулхонадаги кийим илгичка курткасини осди, устига мўйнали телпагини қўйди.Ўзини ойнага солди. Пуфлаб-пуфлаб тароғини тозалаб, қайсар сочини таради. Кўзлари уйқусизликдан қизариб кетган, толиққан, афтодаҳол. Аммо костюм-шими дазмолланган, туфлиси тоза. Қаддини ростлади. У ёқ- бу ёғини тузатди. Нимани сўрайди? Очилмаган жиноятдан бошқа нимани ҳам сўрарди.

Қўнғироқ чиройли чулдираб қўйди. Нозир кириб чиқди.

— Кираркансиз.

Юрагининг уриши ўзига эшитила бошлади. Кирди. Ёзув столидан кейин қўйилган пасттаккина ойнали стол олдидаги стулга таклиф қилди. Ўтирди. Кўз қирини ташлади. Чап томондаги телевизорда икки буқадай-буқадай оқ танли ва қора танли бир-бирини аёвсиз саваларди.

Оқ оралаган сочлари ихчам қилиб олинган вилоят прокурори ўзини тетик, очиқ чеҳрали тутишга уринса-да, юз-кўзларида чуқур ташвиш сояси зоҳир эди.

Ҳол-аҳвол сўрашган бўлишди.

— Нима аҳвол бу? Неча соат ухлайсиз?

— Икки-уч соат.

— Сабаб?

— Биласиз, қотиллик жинояти содир бўлган. Ҳеч очилмаяпти.

— Ҳе, очилмай кетсин, бундоғ ўзингизга ҳам қаранг. Болалар нечта?

— Тўртта.

— Мактабга боришса керак. Қайсиси нечанчи синфга боради?

— Аниқ эсимда йўқ. Кечирасиз...

Хижолатомуз кулди.

— Шунинг учун мен сизга раҳмат айтишим керакми? Иш деб келажагимизни барбод этамизми? Прокурор фарзандининг кийиниш, ейиш-ичишдан камчилиги йўқдир. Лекин қандай ўқияпти? Қандай тарбия олаяпти? Бу билан ҳам қизиқиш керак. Эркаклар 6 соат, аёллар 7 соат, фақат аҳмоқлар 8 соат ухлайди дейишади. Эй, боринг, сиз ҳам бир 8 соат ухланг.

Кулади. Сўнг қўшиб қўяди.

— Ҳаммасидан хабарим бор.- Ёрдам керак бўлса, истаган вақтда кўл телефонимга чиқаверинг.

— Иложи бўлса, Сизни безовта қилмаймиз.

— Керак бўлса, даволанинг. Болалар тарбияси билан ҳам шуғулланинг. Манга мундай "фидойилик" кеpакмас. Хўп, омон бўлинг!

Ўрнидан туриб туман прокурорининг қўлини сиқиб хайрлашди.

У раҳбар ҳузуридан қанот ёзиб учиб чиқиб кетди. Мана шу - мукофот, мана шу - курорт. Аммо, Шерзод, энди жиноятни очишинг керак.

* * *

"Ўликни мен ўзим топиб бераман", - деб мақтанди Юра.

— Бўйи қанча бўлган?

— Тахминан биру олтмиш.

— Оғирлиги.

— Олтмиш-олтмиш беш.

— Очень хорошо.

У ёғочдан бир неча одам шаклини ясади. Ўлик ташланган деган жойдан уларни ташлаб кўради. "Ёғоч одам" бориб тўхтаган жойга тушиб, мурдани ахтаради. Барибир топилмади.

Эрталаб ЖҚБ ходими ҳовлиқиб кириб келди.

— Бўлди, аниқладик. Гумондор Тўра Бўриевичнинг шофёри Ҳусен ҳамма нарсани билади деяпти.

— Нима маслаҳат берасан?

— Шопирни қўлга олиш керак.

— Сўроқда "Мен қилмаганман" деган эди-ку.

— Айтаверади-да. Қамоққа олайлик, бу ёғини менга қўйиб беринг.

— Қўлга олиш учун қарор тайёрланглар. Тинтув учун ҳам санкция бераман. Жиноят қуроли топилиши мумкин. Эрталаб ишга чиқиб кетмасидан борамиз.

— Хўп бўлади.

Тонг маҳали қишлоқ фуқаролар йиғинида учрашишди. Ёмғир шивалаб ёғиб турибди. Шофёрнинг уйига қараб йўл олишди. У янги участка қилиб, қишлоқ четига кўчиб чиққан экан. Йўл ҳали асфальт қилинмаган, ҳамма жой лой. Машиналар зўрға юради. Уйга яқинлашгач, иккита ҳамсоясини холис сифатида жалб қилиш учун кўндиришга роса овора бўлишди.

— Қани кетдик, йигитлар. Шу пайт лойга булғанган оқ "Тико"да эгнига чарм куртка ва бошига сур телпак кийган прокурор ўринбосари Нурали келиб қолди.

— Пахта пунктини текшир дегандингиз, текширдим. Воқеа бўлган куни ҳам, ундан кейин ҳам икки кун Ҳусен ўша ерда бўлган экан. Мана маълумотнома. Қоровуллар дафтарига қайд қилиб қўйишган. Улар инсофли одамлар, алдашмайди.

— Йигитлар! Стоп! Қайтдик. Раис билан холисларга бир нима деб тушунтиринглар. Айтиб юришмасин.

"Худо бир асради. Шарманда бўларканмиз. Тўхтатиб ташласамми? Дастлабки кўрсатув берган Қўйли билан ўзим бир гаплашай", — ўйлади прокурор.

Бу таклифни берган ЖҚБ ходимини роса сўкди. У ўзини оқлаган бўлди.

— Ман қайдан билай. Ўша Қўйлининг ўзи шундай деди.

— Э, Қўйлингниям онасини... Ҳайда, — деди шофёрга.

— Қайга?

— Очиқ мозорга! Ҳайда деганда кейин ҳайда-да!

Сўнг ўзини босиб, қўшиб қўйди:

— Мусулмонободга кетдик!

Тергов ҳибсхонасига кириб, бошлиқ ўринбосарининг хонасига Қўйлини чақиртирди.

— Қўйливой, энди иккаламиз нормально гаплашайлик. Кўмганмиз дединг, ҳамма жойни ковлаб чиқдик, йўқ. Чайлага қамаб қўйганмиз дединг, Олчазор чўлида биз кўрмаган чайла қолмади. Йўқ. Тўра Бўриевичнинг шофёри олиб кетган дебсан, бугун сал қолди уни қамоққа олишимизга. Жиноят бўлган куни у бошқа жойда экан. Нимага мундоқ қиласан? Тўғрисини айт, мен сенга ёрдам қилай.

— Майли, ман айтаман. Аммо, ака, мани ўзиз сўроқ қилинг. Милисалариз кўмгансан, дейишди, жонимни асраш учун, ҳа, кўмганман дейман. Чайлага қамаб қўйгансан дейишди, ҳа, қамаганман дейман. Шофёрни ҳам милисаларнинг ўзи ўйлаб топишган. Аслида ман ўзим ўлдирганман. Ўртоқларимга кейин айтганман. Ўликни насоснинг олдидан эмас, сал наридан сувга ташлаганман.

Ўша куни Қўйли "Паричеҳра" фермер хўжалиги дала шийпонида қолган кўрпа-тўшагини олиб келиши керак эди. Уйига кириб, дастурхонни очиб, бир бўлак нонни синдириб олди. Йўл-йўлакай еб кетди. Қишлоқ масжидининг олдида Вали кал билан Али гўрков гурунглашиб туришган экан. Уларнинг олдига бориб қўл бериб саломлашди ва ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиб кетди. Орқасидан уларнинг "хо-хо"лаб кулган овози эшитилди. Кўринган "Дамас"га қўлини кўтариб, тўхтатди. Машинага ўтириб, катта йўлгача чиқиб олди. Яна қондай қип-қизил "Дамас" келиб тўхтади. Кимё заводи тўғрисидаги бекатда тушиб қолди. Завод қошидаги бозорчадан Тўхта холанинг қизи Гулойимдан 100 сўмлик семечка олди.

— 2000 сўм қарзимни қачон берасиз?

— Қарзим борми?

— Ҳа, ароқ олувдиз-ку.

— Бераман, еб кетмайман.

Сўнг "Паричеҳра" сари пиёда юриб кетди. Темир йўл яқинидаги заводнинг чойхонасига кирди. Шўрва, шаппати нон, кўк чой, иккита 100 граммлик стаканда ароқ олди. Ўрганган кўнгил ўртаниб қолди. Хаёлига эчкиларни ўғирлаб кетиш келди. Чолнинг олдига борди.

— Отахон, қандайсиз? — деб елкасига урганди, чолнинг чопонидан чанг тўзғиб кетди.

— Бу қолма, жоқ тўқпақпа? Ўлдириб қоясанғўй, - деди чол.

— Сизди ўлдириб бўладими? Ана пишагийиз ҳурпайиб қараб турибди, мани тимдалаб ташламасин.

— Осы мышиқ менинқ жегена достым. Бидай шолде ўзим жатамен. Балам хабар олмайды. Тирикшилиқ деп отасынинг есинин шиғарған.

— Ҳозир ҳамма шунақа. Манам отамни кўрмаганимга бир - икки ой бўлди-ёв. Картошкаям пишай деб қолибди, бай-бай, ҳиди иштаҳани карнай қилади, - деди ер ўчоқда биқиллаб қайнаётган қозонга ишора қилиб. - Бирор жойдан ароқ-пароқ топиб келинг. Мана, пулини ман бераман.

— Жўқ, боролмаймын. Ешкиларди тастлаб кетолмаймын.

— Эчкиларга ўзим қараб тураман.

— Саған исиниб бўладыма?

— Э, бобой, ман ўғриманми? Мани хафа қилдиз. Ман ўғри эмишман.

— Урғы деғаним жаққўй.

Чол яримта буханка нонни қозондаги овқатга тўғради. Битта қорайиб қолган мис қошиқни ташлашиб, икковлари қозоннинг ўзидан овқатланишди. Сатилни кўтариб сув ичишди ва нос отиб кайф қилишди.

— Носын зўрғай, — деди чол ғўлдираб.

— Мен ўзимам зўрман-да.

У ўтирган чолни йиқитиб олди.

— Э-э, немни қилмоқсинсен?

— Ман ўғриманми?

— Ондай деғеним...

Чолнинг қўлларини орқасига қайириб, тиззаси билан елкасидан босди. Эски, пати кетиб, фақат ипи қолган шарфининг икки учини бир-бирининг орасидан ўтказиб қаттиқ тортди.

Чол гапини тугатолмади, бир-икки хириллаб, калласи узилган товуқдай питирлаб, тинчиб қолди.

У ёқ -бу ёққа қаради, атрофда ҳеч ким кўринмади. Шошилиш керак. Чўпонидан хабар олгани фермер келиб қолиши мумкин. Худди тирилиб қоладигандек, шарфни яна тортиб, учини тугиб боғлади. Юзини осмонга қаратиб ётқизди-да, фуфайканинг ёқасидан маҳкам ушлаб орқасига тисланиб дарё томон судради. Бетон лотокнинг моллар ўтиб қайтадиган жойидан ўтиб, қаққайиб турган тут дарахти олдидан дарё лабига судраб келди. Думалатиб юборди. Мурда сувга тушиб, тўхтаб қолди. Туфлисини ечиб, шимини тиззасигача шимариб, чопилган юлғуннинг кўриниб турган томиридан ушлаб, ярим метр чамаси сувга тушди ва бир оёғи билан ўликни сув оқими томон итариб юборди. Чиқиб оёғини ювиб, туфлисини кийди. Тушиб қолган этикни дарёга қаратиб тепди. Сўнг ерга тушиб ётган жуни кетиб, қулоқчин ва ёнбошидан териси кўриниб қолган ичига шаппўш тиқилган яғир телпакни ижирғаниб олди ва дарёга қулочкашлаб отиб юборди. Бош кийими иккига ажралиб, дарёга сассиз тушди. Чолнинг кроватга илинган чарм курткасини ва тележканинг олдида ётган юқори қисмидан тешиб ип ўтказилган таёғини олди.

**(Давоми бор).**


Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма
Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши
Ватанимизнинг барча
устоз ва мураббийларини
касб байрамлари билан
чин қалбдан муборакбод этади.
Озод юртимизнинг гуллаб-яшнашида
сидқидилдан меҳнат қилаётган
устозларга мустаҳкам соғлиқ
ва бахт-саодат тилайди.

***Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилояти кенгаши томонидан «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар тармоқ ходимлари манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Кам таъминланган соҳа ходимлари ва уларнинг фарзандларига, етим, чин етим болалар тарбияланаётган муассасаларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тармоқ касаба уюшмамизнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.***

***Бу борада таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Қибрай туман кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар диққатга сазовордир.***

# Ҳамиша эъзозда

Савоб ишни ҳар ким, ҳар куни қилиш керак. Бу — қалб даъвати, кўнгил эҳтиёжи. Шунга амал қилган ҳолда иш олиб борилган жойда ютуқлар таъминланади. Жумладан, «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида нафақадаги устоз-мураббийларга озиқ-овқат маҳсулотлари, шунингдек, кам таъминланган, II гуруҳ ногирони Ҳ.Эргашева ва 14-мактаб ўқитувчиси, I гуруҳ ногирони Г.Айнабековага ҳомийлар ҳисобидан икки бош қорамол олиб берилди. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан нафақадаги ходимларга 385 минг сўмлик совға тақдим этилди. 160 нафар уруш ва меҳнат фахрийлари учун дастурхон ёзилиб туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма кенгаши томонидан 10 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида 130 нафар етим ўқувчи учун истироҳат боғида тадбир уюштирилиб, совға-саломлар тарқатилди. Жорий йилнинг саккиз ойида моддий жиҳатдан қийналган 103 нафар ўқитувчиларга директор жамғармаси ҳисобидан 3,3 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Таълим тизимида фаолият кўрсатаётган кам таъминланган 57 нафар ходим «Ўзбеккимёмаш» ОАЖ корхонаси профилакторийсида соғломлаштирилди. Улар туман халқ таълими бўлими ва касаба уюшма кенгаши томонидан бепул йўлланма билан таъминланди. 3 та ёш оилага «Умид гулшани» сиҳатгоҳига имтиёзли йўлланма берилди. 77-махсус мактаб-интернатига ногиронлар куни арафасида 200 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Бугина эмас. 4 нафар уруш ва меҳнат фахрийси имтиёзли соғломлаштирилди. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги реабилитация марказида 5 нафар меҳнат фахрийси ҳомийлар кўмагида даволанди. 500 нафар кам таъминланган оила, жумладан, 121 нафар тармоқ ходимларининг фарзандлари соғломлаштириш оромгоҳларида дам олдирилди.

10 та мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан маданий ва маърифий тадбирлар ўтказиш юзасидан қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Қишлоқ, овул, маҳаллаларда «Куч бирликда», «Меҳр кўзда» мавзуида учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Мактаб кутубхоналарида кўргазмалар ташкил қилинди. «Ўзбекистон — Ватаним маним» кўрик-танловида 16-мактаб ўқувчиси Х.Ҳамзаев ғолиб деб топилди.

Шу билан бирга тумандаги умумтаълим мактаблари раҳбарлари ва бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ҳақида»ги Фармони, 2005 йил 25 ноябрдаги «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 227-сонли қарори асосида директор жамғармаси харажатлари адолатли тақсимланишига эришилмоқда. Бир сўз билан айтганда, тармоқ касаба уюшмаси уюштираётган ҳар бир тадбир соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, маънавиятини ошириш, саломатлигини тиклашга қаратилган.

**Қодиржон АМИРЖОНОВ,**
**таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Тошкент вилоят кенгаши раиси муовини**





# Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Навоий вилоят кенгаши

*Сиз, қадрли устоз ва мураббийларни Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбдан табриклайди.*
*Баркамол авлодни тарбиялашда куч-қувват ва улкан зафарлар ёр бўлсин!*



# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Республикамизнинг барча халқ таълими ходимларини, ўқитувчи ва мураббийларни умумхалқ байрами — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан муборакбод этади.*

*Соҳа ходимларининг фидокорона меҳнатларидан кўзда тутилган эзгу мақсадлар бекаму кўст рўёбга чиқсин.*

*Осмонимиз доимо мусаффо бўлсин!*



# ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА АНДИЖОН ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

*Тизимдаги барча жамоаларни, ҳамкасбларни умумхалқ байрами – Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан самимий ва қизгин муборакбод этади. Сиз, азиз устозларга, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишда сидқидилдан меҳнат қилаётган касбдошларимизга ва барча ватандошларимизга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат тилайди.*

# Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Наманган вилоят кенгаши



**Республикамиздаги барча зиё тарқатувчи муҳтарам устозларни халқимиз томонидан кенг нишонланиб келинаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни байрами билан самимий муборакбод этади.**

**Сиз, азизларга сиҳат - саломатлик, оилангизга тинчлик, хотиржамлик, соғлом авлодни тарбиялашдаги хайрли ишларингизда катта муваффақиятлар тилайди.**



(Боши 2-бетда).

— Танловда набирам иштирок этаётгани учун Фарғона вилоятидан келдим, — дейди Маҳбуба Йўлдошева. — Оиламиз ўқитувчилар оиласи. Мен 32 йил мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишладим. Қизим ҳам ўқитувчи. Мана энди набирам бизнинг касбимизни танлади. Бошланғич синф ўқитувчисининг меҳнатини нина билан қудуқ қазишга қиёслайман. Ҳали ўқиш ва ёзишни билмайдиган жажжи болакайнинг қўлидан тутиб ёзишни ўргатиш, алифбою математикадан сабоқ бериш ўқитувчидан метиндек ирода, сабр-бардош талаб этади. Шундай экан, уларга ҳар қанча ҳурмат, эътибор кўрсатса арзийди. Бўлаётган тадбир ана шу эътиборнинг рамзи деб биламан.

Қалблари ҳаяжонга тўлиқ иштирокчиларнинг танловдан олган таассуротлари бир олам.

***Дилрабо Бегимқулова, Тошкент вилояти:***

— Бугун шарафли касб соҳиблари — ўқитувчилар учун қўшалоқ байрам. Айниқса, масъулиятли ва улуғ касбни бошлаш арафасида турган биз каби ёшларга кўрсатилаётган эътибор, билдирилаётган ишонч қалбимга ғурур бағишлади. Мен ва тенгдошларим келажакда бу ишончни оқлаш учун астойдил интиламиз.

# Маърифатли юрт фарзандлари



***Садоқат Сафоева, Хоразм вилояти:***

— Ёш авлодни тарбиялашда, энг аввало, ўзимиз етук инсон бўлишимиз зарур. Танлов асносида ана шу ҳақиқатни янада чуқурроқ ҳис этдим.

***Мўмина Бегматова, ўқитувчи, Фарғона вилояти:***

— Танловда ўқувчимиз иштирок этаяптию, мен ҳаяжондаман. Негаки, ушбу тадбир биз — ўқитувчиларнинг меҳнатимизни юзага чиқаришда ҳам омил ҳисобланади. Демак, бугун нафақат ўқувчига, балки устозларга ҳам баҳо берилади. Шу жиҳати билан танлов муҳим аҳамиятга эга.

Танлов якунини эълон қилиш энг ҳаяжонли палладир. Ҳакамлар ҳайъати ҳар бир босқич бўйича ўқувчиларнинг тўплаган балини изоҳлаб берди. Биринчи ўрин Фарғона вилояти Қўқон педагогика коллежи ўқувчиси Шаҳноза Низомовага насиб этди. Иккинчи, учинчи ўринларни Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқувчиси Дилрабо Бегимқулова ҳамда Тошкент шаҳри 1-педагогика коллежи ўқувчиси Гулнора Ҳакимовалар эгаллашди. Ғолибларга ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

— Танлов бўлғуси ўқитувчиларнинг касб маҳоратини ошириш, қизиқишини аниқлаш, ёш авлодни тарбиялаш мақсадида олаётган билим ва кўникмаларини янада чуқурлаштириш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бўлим мудири Маҳмуда Мурзаева. — Ушбу тадбирда ҳамкор сифатида иштирок этаяпмиз. Иккинчи ўрин соҳибасини рангли телевизор билан тақдирладик. Бундай рағбатлантириш ўқувчиларни янада кўпроқ билим олишга, изланишга, меҳнат қилишга ундайди, албатта.

— Ҳозир жуда ҳаяжондаман, — дейди танлов ғолибаси Шаҳноза Низомова. — Ғолиблик зиммамдаги масъулиятни икки ҳисса оширади. Келажакда ўқитувчилик касбига тайёргарлик кўриш жараёнида мунтазам изланиш кераклигини тушундим. Бу йўлда ҳамиша янги-янги марраларга интиламан. Келгусида бундан-да юксак танловларда қатнашиб устозларимга муносиб шогирд бўлишга ҳаракат қиламан.

Халқимизда умид билан суқилган таёқ бир кун берар меваю япроқ, деган доно нақл бор. Кўзларида бир олам ҳаяжон, дилда ишонч ва ғурур билан турган бу ёшлар эртага, албатта, юрт равнақига, ёш авлодни тарбиялашдек эзгу ишга муносиб улуш қўшишига ишонамиз.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА**

В соответствии с Постановлением Центра по координации и контролю за функционированием рынка ценных бумаг за №1127-1 от 18.04.05г.
**BELPHIL CAPITAL LTD** раскрывает информацию о намерении приобрести 1 203 994 штук акций простых именных «O'zikkilamchiranglimetall» ОАЈ Тош. ш. (Узвторцветмет)», что составляет 25% от уставного фонда.
**Адрес эмитента: Сергели, Южная промзона.**

**Тошкент вилояти Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси кенгаши тасарруфидаги Ўрта тиббиёт ва доришунос ходимларнинг малакасини ошириш ва ихтисослаштириш Республика Маркази касаба уюшма қўмитасининг штамп ва муҳри йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**




# Мунажжим башорати

(2-8 октябргача)

**ҚЎЙ.** Ушбу ҳафта ишдагилар билан муносабатингиз салбий томонга ўзгаради. Раҳбарлар билан муросада меъёрни сақланг. Чоршанбада молиявий масалаларга аралашманг.

**БУЗОҚ.** Душанба куни кайфиятингиз ҳар қачонгидан сокин бўлади. Жиддий ва масъулият талаб қилинадиган ишларни ҳафтанинг иккинчи ярмида бажаринг. Дам олиш куни ижодий фаолиятингизда омадингиз чопади.

**ЭГИЗАКЛАР.** Ҳафта давомида кечиктириб бўлмайдиган муаммолар туғилади. Бунинг ечими учун сиздан фақат қатъият ҳамда маҳорат талаб қилинади. Пайшанба сиз учун омадли кундир.

**ҚИСҚИЧБАҚА.** Душанба куни сиз кутган дам келади. Барча режаларингиз ўзгариб кетади. Чоршанба куни катталар билан муносабатда эҳтиёт бўлинг. Дам олиш куни кўпроқ спорт билан шуғулланинг.

**АРСЛОН.** Ушбу ҳафтада шартнома ва учрашувларни режалаштиришингиз мумкин. Айримлар шу кунларда излаганини топади. Чоршанба ташвишли бўлади. Якшанбада уйдаги камчиликларни тўлдиринг.

**ПАРИЗОД.** Душанба куни ечимини кутаётган муаммолар безовта қилади. Ҳафтанинг иккинчи ярмида моддий рағбатлантириласиз. Дам олиш куни оилангиз ташвишида бўласиз.

**ТАРОЗИ.** Ушбу бурж остида туғилганлар қатъиятлиги сабабли кўп нарсага эришадилар. Чошанбада иш бошлашдан олдин натижаси учун ваъда берманг. Дам олиш куни оила аъзоларингиз билан бирга бўлинг.

**ЧАЁН.** Душанба ташвишли ўтади. Фақат можаролардан йироқда юринг. Чоршанбада хушхабар эшитасиз. Кундалик юмушлар зерикари бўлса-да, лекин фойдали.

**ЎҚОТАР.** Ушбу ҳафта дангасалигингиз тутиб анча зарар кўришингиз мумкин. Ҳафтанинг иккинчи ярмида ишга бўлган шижоатингиз ошади. Дам олиш куни келгуси шартнома ва учрашувлар устида бош қотиринг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Душанбада кутилмаганда барча режаларингизни ўзгариб кетади. Чоршанба ва жума кунлари ишингиз унумли бўлиши учун сиздан жиддийлик ва меҳнатсеварлик талаб қилинади.

**ҚОВҒА.** Ҳафта давомида омад кутманг. Бошлаган ишингизни тугалламай туриб, ҳеч қандай ишга қўл урманг. Дам олиш куни келгуси муваффақиятлар учун мириқиб ҳордиқ чиқаринг.

**БАЛИҚ.** Анчадан бери безовта қилиб келган муаммоингиз ўз иситмасини ошкор қилмаслигини истасангиз, уни ҳафтанинг бошида бартараф қилинг. Акс ҳолда жиддий оқибатларга олиб келади.

**Ishonch**
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Бош муҳаррир Абдухолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ
Таҳрир ҳайъати: Алла Долженкова, Виктор Зверов (бош муҳаррир ўринбосари), Маъмура Адилова, Мирзоҳид Содиқов, Носирхон Акбаров, Ойсулув Нафасова, Пиримқул Қодиров, Соғиндиқ Ниетуллаев, Шавкат Абдуллаев, Шамси Эсонбоев, Элёр Ёқубов, Ғуломзокир Юсупов
Бизга қўнғироқ қилинг: Котибият: 153-52-78; Хатлар бўлими: 153-85-43
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3. Ҳажми 2 босма табоқ.
Бизнинг манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru
Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба, жума ва шанба кунлари чиқади.
Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Нашримиздан кўчириб босилгандан «Ishonch»дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Тижорат аҳамиятига молик материаллар Ⓗ белгиси остида чоп этилади.
Навбатчи котиб - Ж.Шарофбоев
Навбатчи муҳаррир - А.Қодирова
Навбатчи - О.Эргашев
Мусаҳҳиҳ - Н.Юлдашев
Саҳифаловчи-дизайнер: Ю.Михайловский
Буюртма Г— 1115 Тиражи: 7627
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30
Сотувда эркин нархда 1 2 3 4 5 6 7 8